



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ وَكَفَى، وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلٰی رَسُوْلِهِ الْمُصْطَفٰی، وَعَلٰی آلِهِ وَصَحْبِهِ اَجْمَعِيْنَ، اَمَّا بَعْدُ.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ОДОБИ

Муҳтарам жамоат! Инсоният жамияти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, доимий равишда ривожланиш ва ўзгаришда бўлади... Йигирманчи асрнинг энг катта кашфиётларидан бири бу – халқаро тармоқ, яъни интернет бўлди десак, хато бўлмайди. Бу тармоқ қисқа йилларда телевидение, радио, газета ва журналларни орқада қолдирди. Дунё бўйича сон-саноксиз одамлар интернет хизматларидан фойдаланадилар, ахборот алмашадилар, турли масалаларни ҳал қиладилар.

Интернет пайдо бўлгандан бери баъзилар уни ижобий баҳолашса, баъзилар салбий томонларини гапиради. Бу мавзудаги мақбул қараш шуки, интернет ҳам телевизор, радио каби бир восита. Уни яхшиликка ишлатсак – яхши, ёмонликка ишлатсак, ёмон нарсага айланади. Демак, бизнинг энг муҳим вазифамиз – интернетдан ёмон мақсадда фойдаланаётган инсонларга, айниқса ёш авлодга, тўғри йўлни кўрсатиш, зарарли оқибатлардан огоҳлантиришдир. Бошқа томондан эса ижтимоий тармоқларда миллий-диний қадриятларимизга зид нарсаларни тарғиб қиладиган шахслар таъсирига тушмаслик йўлларини ўргатишдир. Зеро Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿وَذَكِّرْ فَإِنَّ الذِّكْرَى تَنْفَعُ الْمُؤْمِنِينَ﴾

яъни: “Эслатинг! Зеро, эслатма мўминларга манфаат етказур” (Зориёт сураси 55-оят).

Ҳар нарсада конун-қоида бўлгани каби, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда ҳам ўзига яраша қоида ва одоблар мавжуд. Жумладан:

1. Ижтимоий тармоққа киришдан аввал умрнинг қадрини ёдга олиш. Ҳадиси шарифда умрнинг қадри ҳақида шундай марҳамат қилинади:

﴿لَا تَرُؤَلْ قَدَمًا ابْنِ آدَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ عِنْدِ رَبِّهِ حَتَّى يُسْأَلَ عَنْ خَمْسٍ: عَنْ عُمْرِهِ فِيمَا أَفْنَاهُ وَعَنْ شَبَابِهِ فِيمَا أَبْلَاهُ

وَعَنْ مَالِهِ مِنْ أَيْنَ اكْتَسَبَهُ وَفِيمَا أَنْفَقَهُ وَمَاذَا عَمِلَ فِيمَا عَمِلَ﴾ (رواه الإمام الترمذي عن ابن مسعود رضي الله عنه)

яъни: “Қиёмат кунини беш нарса ҳақида сўралмагунча, Одам боласининг қадами Парвардигори ҳузуридан силжисмайди: умрини қандай ўтказгани; ёшлигида қандай ишлар қилгани; бойликни қаердан топиб, қаерга сарфлагани ва билган нарсаларига қай даражада амал қилгани сўралади” (Имом Термизий ривоятлари).

2. Ижтимоий тармоқдаги ўзаро алоқаларда мусулмон киши ўзига тақво ва чиройли хулқни лозим тутиши керак. Тақво, яхшилик ва хусни хулқ ҳақида Абу Зар ал-Ғифорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда:

﴿أَتَقِ اللَّهَ حَيْثُمَا كُنْتَ، وَأَتَّبِعَ السَّيِّئَةَ الْحَسَنَةَ تَمَحُّهَا، وَخَالَقِ النَّاسَ بِخُلُقٍ حَسَنٍ﴾ (رَوَاهُ الْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ)

яъни: **“Қаерда бўлсангиз ҳам, Аллоҳдан қўрқинг! Ёмонликка яхшиликни эргаштиринки, ёмонликни ювиб кетади! Одамларга чиройли хулқ билан муомала қилинг!”**, – дейилган (Имом Термизий ривоятлари).

Афсуски, ижтимоий тармоқларда мусулмонлар бир-бирини ҳақорат қилиши, тухмат, ҳаттоки бўҳтон қилиши, обрўйига путур етказиши, ғийбат қилиши, ўзининг она юрти ва жамиятда фитна уруғларини сочиши кузатилиб турибди. Энг ёмони – бундай кишиларда холислик топилмаяпти. Улар баъзи пайтларда “тирноқ ичидан кир қидириш”га тушмоқдалар. Лекин кўз ўнгларида турган яхши ишлар, ислохотлар ва ўзгаришларни кўришмаяпти. Гоҳида ўзлари нима исташаётганини ҳам англамай қолишмоқда.

3. Ижтимоий тармоқ орқали ўзга жинс вакиллари билан муносабат қилишда номаҳрамлик масаласига жуда эҳтиёт бўлиш керак. Мана шу масалага бепарво бўлиш кўп муаммоларга сабаб бўлмоқда. Ижтимоий тармоқларда бир-бирига номаҳрам бўлган шахсларнинг ўзаро ножўя суҳбатлари оилалар ўртасидаги кўплаб ажримларга ҳам сабаб бўлмоқда. Ҳали оила қурмаган ёшлар орасида ҳам ижтимоий тармоқларда турли ношаръий муносабатлар, ҳаёсизлик, зинонинг виртуал кўринишлари кузатилмоқдаки, бу нарсалар шариатимизда қатъиян ман қилинган. Тўғри, шариат қоидаларига амал қилиб, беғараз мақсадлар билан, зарурат миқдорича бирор маълумот олиш, сўраб ўрганиш мумкин. Лекин ўзаро “электрон муҳаббат” алоқаларини ўрнатиш ҳаром ҳисобланади.

4. Ижтимоий тармоқ орқали ёлғон хабар ва аудио ҳамда ўйдирма сурат ва видеоларни тарқатмаслик талаб қилинади. Одамлардан эшитган нарсасини суриштирмай гапиравериш гуноҳ эканига қуйидаги ҳадиси шариф ҳам яққол далил ҳисобланади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

﴿كَفَى بِالْمَرْءِ إِثْمًا أَنْ يُحَدِّثَ بِكُلِّ مَا سَمِعَ﴾ (رَوَاهُ الْإِمَامُ مُسْلِمٌ وَالْإِمَامُ أَبُو دَاوُدَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ).

яъни: **“Кишига гуноҳ бўлиши учун эшитган нарсасини гапиришининг ўзи кифоядир”**, – деганлар (Имом Муслим ва Имом Абу Довуд ривоятлари).

Азизлар! Ҳар нарсанинг яхши ва ёмон тарафи бўлганидек, сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларнинг ҳам жиддий хатарлари юзага чиқмоқда. Жумладан:

5. Кишиларнинг шаънига тажовуз қилиш авж олмоқда. Энг ачинарлиси – кўпинча тарқатилган ёлғон маълумотлар оқибатида инсоннинг обрў ва шаъни топталмоқда, таъна тошлари отилмоқда, шариатимизда қайтарилган катта гуноҳларга йўл очилмоқда.

Шариатимизга кўра, ҳар бир мусулмоннинг шаъни ва обрўсини тўкиш – ҳудди қонини тўкиш ёки молини ўзлаштириш каби, бошқа мусулмон учун ҳаромдир. Қолаверса, Пайғамбаримиз алайҳиссалом муборак ҳадиси шарифларидан бирида шундай деганлар:

﴿لَمَّا عَرَجَ بِي مَرَرْتُ بِقَوْمٍ لَهُمْ أَظْفَارٌ مِنْ نَحَاسٍ، يَخْمُسُونَ وُجُوهُهُمْ وَصُدُورَهُمْ، فَقُلْتُ: مَنْ هَؤُلَاءِ يَا جِبْرِيلُ؟﴾

قَالَ: هَؤُلَاءِ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ لُحُومَ النَّاسِ، وَيَقَعُونَ فِي أَعْرَاضِهِمْ﴾ (رواه الإمام أبو داود عن أنس رضي الله عنه)

яъни: *“Жаброил алайҳиссалом мени осмонга олиб чиққанда, бир қавмнинг олдидан ўтдим. Уларнинг мисдан тирноқлари бўлиб, у билан юзлари ва кўксиларини тимдалашар эди. Мен: “Эй Жаброил, булар кимлар?” – деб сўрадим. Шунда: “Улар одамларнинг гўштини еб – уларни гийбат қилиб, обрўларини тўккан кимсалардир”, – деб жавоб бердилар”* (Имом Абу Довуд ривоятлари).

Ушбу ҳадиси шарифдан динимизда инсоннинг шаъни, обрўси қанчалик қадрли эканлиги, уни поймол қилишнинг оқибати аянчли экани маълум бўлмоқда.

6. Нотўғри фатво ва қарашлар тарқалмоқда. Турли оқимлар ўзларининг манфур қарашларини ёшлар онгига сингдириш учун ижтимоий тармоқлардан кенг кўламда фойдаланмоқдалар. Бу эса диндан, диний маърифатдан яхши хабардор бўлмаган кишиларни, айниқса ёшларимизни, соф ақидадан оғиб кетишига, фикхий мазҳаблар борасида нотўғри фикр ва тушунчалар шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Авалло шунини айтиш керакки, ислом уламолари ёш авлодга илмларни тартиб билан ўргатишга алоҳида эътибор берганлар. Илмни ўрганиш – динни ўрганишдир! Қолаверса, диний илмларни олишда, фатво олишда шахсиятлар муҳимдир. Интернет орқали, ижтимоий тармоқлар орқали диндан, шариатдан гапираётган, лекин аслида кимлиги ҳам, кимдан таълим олгани ҳам номаълум кимсалардан дин олинмайди. Чунки, фатво бу – дин демакдир! Шариатимизга кўра эса, уни ким етказаётгани муҳимдир. Шунинг учун машҳур тобеин Муҳаммад ибн Сийрин раҳматуллоҳи алайҳи:

إِنَّ هَذَا الْعِلْمَ دِينٌ فَأَنْظُرُوا عَمَّنْ تَأْخُذُونَ دِينَكُمْ (رَوَاهُ الْإِمَامُ مُسْلِمٌ)

яъни: *“Илм – бу диндир. Динларингизни кимдан олаётганингизга қаранглар”, –* деганлар (Имом Муслим ривоятлари).

Имом Абу Лайс Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳи: *“Илмни ишончли зотлардан олиш лозим, чунки диннинг устунни илм биландир. Киши ўзининг жонини ишонадиган кишигагина динини ҳам ишониб топшириши лозим”, –* деганлар.

Шунингдек, террорчилар ўзларига тегишли веб-саҳифа ва ижтимоий тармоқларда “шаҳидлик”, “жиҳод”, “ҳижрат”, “такфир”, “халифалик” каби тушунчаларни бузиб талқин қилиш натижасида айрим ёшларни ўзларининг тузоқларига илинтиришга муваффақ бўлишаётгани ачинарли ҳол, албатта.

7. Фаҳш ва беҳаёликлар тарқалмоқда. Ёвуз ниятли кимсалар ғаразли мақсадлари йўлида ва халқнинг ўзлигини емириш учун турли усуллардан фойдаланади. Улардан бири – жамиятда ахлоқий бузуқликни ёйишдир. Бу йўлда ғаламислар ижтимоий тармоқ орқали ахлоқсизликни, фаҳшни кенг тарқатишга бор имкониятларини сарфламоқдалар. Беҳаёликка йўғрилган тасвирлар, видео-роликлар тарқатиш орқали ер юзида фасод тарқашига “хизмат” қилмоқдалар.

Бу каби иллатлар жамиятимизда ўзининг салбий таъсирларини кўрсатмай қолмайди. Бу иллат катта ёшдагиларнинг ҳам, ўрта ёшдагиларнинг ҳам ахлоқий бузилишига олиб келмоқда. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ وَيَحْفَظُوا فُرُوجَهُمْ ذَلِكَ أَزْكَى لَهُمْ إِنَّ اللَّهَ خَبِيرٌ بِمَا يَصْنَعُونَ

яъни: *“(Эй, Муҳаммад!) Мўминларга айтинг, кўзларини (номахрам аёллардан) қуйи тутсинлар ва авратларини (зинодан) сақласинлар! Мана*

шу улар учун энг тоза (йўл)дир. Албатта, Аллоҳ улар қилаётган (сир) синоатларидан хабардордир” (Нур сураси 30-оят).

Салмон Форсий разияллоҳу анҳу: “Ўлиб, қайта тирилишим сўнг яна ўлиб, яна қайта тирилишим, сўнг яна ўлиб, яна қайта тирилишим – бир мусулмон кишининг авратига қарашимдан ёки у менинг авратимга қарашидан кўра яхшироқдир”, – деганлар (Имом Аҳмад "Зухд" китобида ривоят қилганлар).

8. Аҳли илм, имом, уламо кишилар ҳақида бўхтон уюштирувчи, уларни обрўсизлантиришга уринувчи гуруҳлар кўпаймоқда. Уламолар, имом-домлаларни яқиндан танимаган, улар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмаган кишилар мазкур бўхтончи гуруҳларнинг таъсирига тушиб, сўзларига ишониб, улкан гуноҳ бўлган – ғийбат балосига мубтало бўлмоқдалар. Бу ҳақда Ҳазрати Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо шундай деганлар:

﴿ حَرَّمَ اللَّهُ أَنْ يُغْتَابَ الْمُؤْمِنُ بِشَيْءٍ كَمَا حَرَّمَ الْمَيِّتَةَ ﴾

яъни: “Аллоҳ таъоло ўлакка гўштини ҳаром қилганидек, бирор нарсада айблаб мўъминни ғийбат қилишни ҳам ҳаром қилди” (Имом Байҳақий ривоятлари).

Ижтимоий тармоқлар орқали динимизга бўлаётган зарарлардан яна бири – ҳар бир юртнинг пешқадам олимларини таҳқирлаш, тухмат-бухтон сўзлари билан обрўсизлантириш, уларни нифоқда, куфрда айблашдир. Уларнинг бундан ўйлаган мақсадлари – мусулмон оммасини илмий раҳбарсиз қолдириб, ўзларига эргаштириш ва бошқаришдир.

9. Кишиларнинг, хусусан ёшларнинг руҳиятига, ахлоқига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ижтимоий тармоқ орқали фикр билдириш ва бунинг ортидан мақтов (“лайк”)ларни қўлга киритишга уриниш бугунги ёшларини тобора ўз домига тортмоқда. Бунинг салбий томони шундаки, фойдаланувчи бундай мақтов (“лайк”)ларни яна ва яна олишни истайди ва роҳатланади. Бунинг оқибатида улар виртуал дунёга буткул шўнғиб кетадилар ва ташқи дунёдан узиладилар. Ижтимоий тармоқларга боғланиб қолган ёшлар бошқалар билан жонли мулоқотда қийналади, одамови бўлиб қолади, дўстлашишда адашади. Фақат ижтимоий тармоқда топган “дўст”ларининг фикри билан иш кўрадиган бўлиб қолади.

Муҳтарам жамоат! Албатта, ижтимоий тармоқни буткул ёмонга чиқаришга ҳаққимиз йўқ. Ижтимоий тармоқ ҳам телевидение, радио каби бир восита. Уни яхшилиқка ишлатса – яхши, ёмонликка ишлатса – ёмон натижа беради.

Шундай экан, бугунги куннинг талаби – интернетнинг ижобий жиҳатларидан фойдаланиб, дунё-охиратимизни обод қиладиган, халқимизга манфаат келтирадиган ишларни қилишдир. Ҳар бир мусулмон ҳаётда қандай умуминсоний ва диний қоидаларга амал қилиши лозим бўлса, интернетдан фойдаланишда ёки ўзаро алоқада ҳам шу асосларга риоя қилиши шарт. Акс ҳолда, турли ноқулайликлар ва гуноҳ ишларга аралашиб қолинади. Демак, яқинларимиз, айниқса ёшларни ижтимоий тармоқнинг салбий жиҳатлари ва оқибатларидан ҳимоя қилиш, доимий тушунтириш ишларини олиб бориш – ҳар биримизнинг бурчимиздир!

Аллоҳ таоло барчамизга ижтимоий тармоқлардан оқилона фойдаланишни насиб қилиб, уни икки дунёмизнинг обод бўлишига сабабчи воситалардан айласин! Омин!